

ЭРУР СЎЗ МУЛКИНИНГ... СОҲИБҚИРОНИ

Олимжон ЖЎРАЕВ, Камолиддин ЖЎРАЕВ

Аннотация

Мақолада Алишер Навоий ижида ҳақида унинг аزمونшолари ва бошқа ижодкорларнинг фикри таҳлил этилган ва илмий жиҳатдан тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: кўкалдош, шоир, дўст, адабиёт, туркий, назм, санъат, кадр, Навоий, Бойқаро, ёшлик.

Аннотации

В статье анализируется и научно исследуется мнение современников и других художников о творчестве Алишера Навои.

Ключевые слова: зеленый, поэт, друг, литература, турецкий, поэзия, искусство, честь, Навои, Бойкаро, молодежь.

Annotation

The article analyzes and scientifically researches the opinion of Alisher Navoi's contemporaries and other creators about his work.

Keywords: green, poet, friend, literature, Turkish, poetry, art, honor, Navoi, Boykaro, youth.

Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқаро ёшлигидан бирга ўсган, улар ҳамфикир бўлган ва яна кўкалдош бўлганликларидан уларнинг дўстлиги бир умрга давом этган. Ҳусайн Бойқаро адабиётимизда ўчмаз из қолдирган туркийгўй шоир адабиёт ва санъат аҳлини юксак кадрлаган ва ўзи ҳам “Девон” тартиб берган. Алишер Навоийнинг буюк шоир бўлиб етишувида унинг хизматлари беқиёс бўлса, Ҳусайн Бойқаронинг қирқ йилга яқин Хуросонда ҳукм юритишида ва мамлакатда тинчлик ўрнатишида Алишер Навоийнинг хизмати ҳам чексиздир. Сўнгги йиллар тарихчилари Алишер Навоий ва

Ҳусайн Бойқаронинг ўртасидаги дўстлигини турли хил ножоиз фикрлар билан “безаб” Ҳусайн Бойқаронини ёмонотликқа чиқаришга ҳаракат қилдилар. Аслида шундай бўлганмикин?!

Алишер Навоий вафоти муносабати билан Ҳусайн Бойқаро сафардан тўғри дўстининг уйига борган. Тазияда доимо бош бўлиб турган. Тазияга келувчиларни кутуб олиш учун бирнеча кун турган ва бўтун маракаларида бош бўлган. Уларнинг дўстлигини фақат ўлим ажратган... Алишер Навоий Ҳусайн Бойқаро билан ҳамфикир, ҳамдард бўлиб давлат ишларини тўғри йўлга қўйиш билан бирга илм-маърифат ва ижод бобида ҳам муштарак-фикрдош бўлганлар. Шунингдек, ёзган асарларини аввало, ўзаро маслаҳатлашиб, ютуқ ва камчиликларини бирга ҳал қилганлар.

Алишер Навоий ижодининг буюклигини биринчи бўлиб устози Абдурахмон Жомий тан олиб қуйидагича:

Кечирсинлар форси тилда дур терганлар,
Дари тилда назм инжусин келтурганлар.
Агар ул назмин ёзса дари тилда,
Қолмас эди сўз айтишга куч ҳеч элда...

(Ғафур Гулом таржимаси)

-деб юксак баҳо берган бўлса, Ҳусайн Бойқаро шеърят бобида ҳам Алишер Навоийни ўзига пир-устоз деб, тан олган. Шу ҳақда Зайниддин Восифийнинг “Бадоеъ ул-вақоеъ”- (Нодир воқеалар) асаридаги Ҳусайн Бойқаро ва Навоий ўртасида беғубор дўстлик бўлганлигини мана бу сатрлар ҳам тасдиқлайди: “Алишер ўз “Хамса”сини Султон Ҳусайнга бағишлаб тақдим этганида, подшоҳ айтди: “Бир можаро Сиз билан бизнинг орамизда анчадин бери ҳал бўлмас эди, бугун шу ишни бир ёқлик қилайлик. Бу можаро шундай эдики, Султон Ҳусайн Алишернинг муриди бўлишини кўпдан бери орзу қилар ва уни “пирим” деб атар эди. Алишер эса бунга жавобан: “Ё Аллоҳ, ё Аллоҳ ,бу қаноқа сўз бўлди. Аслида биз муридмиз, Сиз ҳаммамизга “пирсиз” дер эди.Энди Султон Ҳусайн Алишердан сўради:”Пир нимаю, мурид нима?!” Алишер жавоб берди: “Пирнинг тилаги, муриднинг тилаги бўлиши керак”.

Шунда Султон Ҳусайн ўзининг оқ отини олиб келишни буюрди. Бу от эса жуда шўх, чопқир эди. Султон Ҳусайн айтди: “Сиз мурид бўлсангизу мен пирингиз бўладиган бўлсам, истайманки, Сиз шу отга минасиз, мен эса уни етаклайман.” Алишер Ноилож отга минишга мажбур бўлди... Алишер эгарга ўтириши билан Султон Ҳусайн отнинг жиловидан ушлаб етаклай бошлади”... Алишер ҳушидан кетди. Уни эгардан кўтариб олдилар”. Ҳусайн Бойқаро хатто Алишер Навоийга девонларини тартиб беришига ва китоб ҳолида тайёрлаши ҳам маслаҳат берган, хусусан “Хамса” дostonларининг тугаши муносабати билан унинг ижодига бағишлаб махсус-Рисола ёзган. Рисолада шундай оташ олул кўйдиргувчи, китобхонни ўзига жалб этувчи, ўйлаб кўришга чорловчи сўзлар ёзилган иқрорномалар бор: “...Турк тилининг ўлган жасадиға Масих (Исо пайғамбарнинг ўликка жон берувчи нафаси) анфоси била рух кюрди ва ул рух топқонларға туркий ойин ва ҳунар кюрди... Анинг назми васфида тил қосир ва баён ожиз турур, хотирға ўзи (Навоий)нинг маснавийларидин неча байт келурким, бу айтиладурғон маънида назм қилиб турур ва ул будур:

МАСНАВИЙ

Мен ул менки, то турки бедодидур,
Бу тил бирла то назм бунёдидур.
Фалак кўрмади мен киби нодире,
Низомий киби назм аро қодире.
Не назм дер эрсам мени дарднок,
Ки ҳар лафзи бўлғай анинг дурри пок.
Худо еткурур онча суръат манга,
Ки бўлмас битириға фурсат манга.
Бу майдонда Фирдавсий ул гурд эрур,
Ки гар келса Рустам жавобин берур.
Рақам қилди фархунда “Шаҳнома”е,
Ки синди жавобида ҳар хомае.
Мусаллам дурур зоҳиран бу иши,

Ки, маъразға келмайдурур ҳар киши.
Деди ўз тили бирла ул кони ганж:
“Ки, си сол бурдам ба “Шахнома” ранж”.
Ани дерға бўлса қачон рағбатим,
Эрур онча Ҳақ лутфидин қувватим.
Ки ҳар неча нутқ ўлса қоҳил сарой,
Битигаймен ўттиз йилин, ўттиз ой!
Агар хосса маъни гар ийҳом эрур,

АНИНГ КУНДА ЮЗ БАЙТИ ҲАЛВОМ ЭРУР! ..

Не “Шахнома”ким “Хамса”ға урсам ал,
Анинг панжаси сори еткурсам ал,
Умидим буким, айлабон фатҳу боб,
Қўлум берғай ул панжаға тоғи тоб!
Ўтгуз йилки они Низомий демиш,
Қошимда эрур икки уч йиллик иш.
Қачон они дер базмини тузгамен,
Демакни халойиқға кўргузгамен.

“... маснавий услубида, балким, ҳар синф назмиким, араб фусаҳоси ва ажам бўлағоси(уста ва силлиқ сўзловчи) тазйин(зийнатлаш, безаш) берубдурлар ва тадвин(тўплаш, жамлаш) қилиб турурлар. Бу ҳам барчаға хома сурубдурур ва таарруз(тегиш, тақилиш) еткуруб турурким, шарҳи девоннинг феҳрастида мазкур(зикр этилган, айтилган)ва мастур(ёзилган) турур. Не девон Аллоҳ, Аллоҳ, жунге (танланган асарлар, термалар)ким, софий алфоздин тўла гавҳар бўлғай ва сипеҳр авроқиким(осмон варақлари) , пок маъонийдин мамлу(тўла) ахтар бўлғай”:

Дема “Девон” ғаму дард аҳлиға офат де они,
Куймаку шуълае ғам бирла қиёмат де они!

Қайси байтким, ишқ аҳли жониға ўт урмас ва қайси мазмуниким ҳижрон хайли жисмин куйдирмас, балки, кулун кўкка совурмас, қайси мисраким фиروق жигар хунининг бағри қонин томизмас ва қайси лафзиким ҳижрон дармандаси ашки сели била сабру шикеб(сабру тоқат) хайлин оқизмас! Назм иқлимида қайси берк қўрғонға куч келтурди ким, эшиги анинг юзиға очилмади ва қайси азим кишварға табъ черики била турктоз (от қўйиб) солдиким фатх қилмади.

Бу кун назм аркони (таянчи)нинг рубъи маскунида қаҳрамон ул турур ва бу мамолик (мамлакатлар)фатҳиға соҳибқирон ани десалар бўлур. Шеър:

Эрур сўз мулкининг кишварстони.

Қаю кишварстони хисрав нишони.

Дема хисравнишонким, қаҳрамони.

Эрур гар чин десанг Соҳибқирони!..

Эътибор беринг, Жомий, Давлатшоҳ Самарқандий, айниқса, Ҳусайн Бойқаро, Навоий асарларини ўша даврдаёқ юксак баҳолаган ва шеърят мулкининг султони--Соҳибқирони деб атаган. Маълум бўладики, Ҳусайн Бойқаро ва Навоий ўртасидаги шурулар даврида айтилган нолайиқ танқидлар ҳақиқатон йироқ иғволрлардир, халос.

Ҳусайн Бойқаро “Рисола”сининг яна бир муҳим томони шундаки, у келтирилган мисолнинг иккинчи ярми Навоий асарлари тўпلامда учрамайди.

Алишер Навоий ҳазратлари ижодига Жомий, Давлатшоҳ Самарқандий ва Ҳусайн Бойқаро берган баҳоларини алпинистлар забт этган тоғнинг чўққисига қиёс қилсак, улардан кейинги адабиётшунослар томонидан шоир ижодига берилган баҳолар алпинистлар қайтиб тушган тоғнинг зинапоялари янглиғ таасурот қолдиради кишида.

Бас шундай улуғ зотларнинг авлоди эканмиз, улар билан фахрланиш билан бирга улар орзу қилган авлод-комил инсон бўлишга ҳаракат қилмоғимиз лозим.